

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 46 (1277)

2020 ЙИЛ 19 НОЯБРЬ

ФАРҒОНАДА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?



Турбжон ҚУНДУЗОВ
Марказий банк Фарғона вилоят
Бош бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий йилдан бошлаб бу борада бериладиган кредит маблағлари “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” ва “Агробанк” АТБ томонидан амалга оширилиши белгиланди.

(Давоми 4-саҳифада)

БАНК ТИЗИМИНИ ЁРИТИШДА ЯНГИЧА НИГОҲ

Кейинги пайтда халқимиз ОАВлардаги барча янгилиги мақолаларни жиддий қизиқиш билан кузатмоқда. Айниқса, мамлакатимиз иқтисодиёти ва молия-банк тизимига оид янгиликлар жамоатчиликнинг эътиборида бўлиб турибди. Шу боис, барча оммавий ахборот воситалари иқтисодиёт хабарларини кенг ёритишга, маълумотларни аҳолига содда ва тушунарли тарзда етказишга ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ рақамлару статистикаларга тўла бу соҳани ёритиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Албатта, бирор соҳа янгиликларини ёритиш, ҳолатларни ўрганиб, таҳлил этиш учун ўша соҳани тушуниш, билим ва малакага эга бўлиш зарур. Бу эса журналистларнинг ихтисослашувини тақозо этади.



(Давоми 3-саҳифада)



ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

“Ипотека-банк” тадбиркор аёллар ва ўз ходимларини қандай қўллаб-қувватламоқда?

Нозик жинс вакиллариининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда уларнинг ролини ошириш, мухтасар айтганда, гендер тенглиги бутун дунёда долзарб аҳамият касб этган масалалардан бири ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, уларнинг имкониятлари қонун йўли билан чекланган ҳолатлар ҳам оз эмас. Чунончи, дунёнинг 71 та мамлакатида аёлларнинг айрим соҳаларда ишлаши қонунан тақиқланган. 16 та мамлакатда турмуш қурган аёллар эрининг руҳсатисиз ишга жойлашиши мумкин эмас. 44 та давлатда эса аёлларнинг тунда ишлаши

га рухсат берилмайди.

Бундан ташқари, молиявий тўсиқлар ҳам аёлларнинг имкониятларини чеклайди. 1,35 миллиард нафар аёл банкда ўз ҳисобрақамига эга эмас. Дунёнинг 50 фоиздан ортиқ аҳолисини аёллар ташкил этишини ҳисобга олганда бу кўрсаткичларнинг нечоғли юқори эканини бир қарашда англаш мумкин.

Мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Гендер тенгликни таъминлаш масаласига қай даражада эътибор қаратилмоқда?

“Ипотека-банк” акциядорлик банкининг бу борадаги фаолияти мисолида мавзунини таҳлил қиламиз.

(Давоми 7-саҳифада)

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА



ИНДОНЕЗИЯ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?



12 > ОБУНА – 2021

ГАЗЕТА ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА ҚЎШИЛИНГ

(Давоми 8-саҳифада)





“Ипотека-банк” АТИБ халқаро капитал бозори иштирокчисига айланди

Ипотека-банк томонидан халқаро облигацияларни чиқариш ишлари муваффақиятли амалга оширилди ҳамда жорий йил 12 ноябрь куни 300 млн. АҚШ доллари миқдорига 5 йиллик халқаро облигациялар хорижий йирик инвесторларга сотилди ва бу орқали “Ипотека-банк” АТИБ халқаро капитал бозори иштирокчисига айланди.

12 ноябрда Ипотека-банкнинг халқаро облигациялари бошланғич фоиз ставкаси 5.625% этиб белгиланди ва Лондон вақти билан соат 09:00 да буюртмалар китоби очиқ, деб эълон қилинди.

Буюртмалар ҳажми 1 соат ичида 300 млн. долларни ташкил этиб, режа қилинган эмиссия ҳажми тўлиқ қопланди. Савдо жараёнида буюртмалар ҳажми 500 млн. АҚШ долларида ошиб, эмитент учун бошланғич фоиз ставкасини тушириш имкониятини берди.

Лондон вақти билан 15:00 да якуний фоиз ставкаси ва купон қарийб 0,125% бирликка туширилиб, 5,5% этиб белгиланди.

Халқаро облигациялар Буюк Британия (27%), Швейцария (22%), Германия (18%), АҚШ (11%) ва бошқа қатор Европа ҳамда Осиё (22%) давлатларининг инвесторлари орасида тақсимланди.

ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШДА ЎСИШ

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида жисмоний шахслар томонидан банкларга сотилган чет эл валютаси миқдори 3,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, аввалги йилнинг мос даврига нисбатан 25 фоизга ёки 744 млн. долларга ошди. Бу ҳақда Марказий банк Матбуот хизмати маълум қилмоқда

Жисмоний шахслар томонидан банкларда сотиб олинган валюта ҳажми эса 3,3 млрд. долларга тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 баробар ошди (2019 йилнинг мос даврида – 1,2 млрд. долл.).

Бунда ушбу маблағларнинг 79 фоизи аҳоли томонидан валюта айирбошлаш шохобчалари орқали нақд кўринишда ҳамда 21 фоизи ёки 687 млн. долл. муқобил тартибда (онлайн конверсия, автоматлаштирилган айирбошлаш банкоматлари ва ҳоказо) харид қилинган.

“Микрокредитбанк” республикада энг йирик ва барқарор ўсиб бораётган тижорат банкларидан бири сифатида ижтимоий дастурларни амалга оширишда ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этиб келмоқда. “Микрокредитбанк” ва “КДБ Банк Ўзбекистан” ўртасида тузилган янги шартнома шундан далолат беради.

“МИКРОКРЕДИТБАНК” “КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТАН” КРЕДИТ ЛИНИЯСИНИ ЖАЛБ ҚИЛДИ



“КДБ Банк Ўзбекистан” га ошириш йўлидаги на-нинг янги кредит ресурслари “Микрокредитбанк”-нинг Ўзбекистон Респуб-ликасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ри-вожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиясининг асосий йўналишини амал-

га ошириш йўлидаги на-вбатдаги қадамдир. 5 миллион АҚШ доллар миқдоридаги жалб қилинган маблағлар “Микрокредитбанк” томонидан банк мавжуд бўлган ҳудудларда жойлашган кичик бизнесни қўллаб-қувват-лашга йўналтирилади.

Андеррайтинг тизими Банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратиладиган кредит ҳужжатларининг ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, қисқа муддатда кўриб чиқишлигини таъминлайди.

Ўзсаноатқурилишбанкда андеррайтинг тизими йўлга қўйилди

Банк тизимида Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатишнинг замонавий стандартлари жорий қилинмоқда.

Халқаро молия корпорацияси тавсияларига асосан кредит ажратишнинг марказлаштирилган – андеррайтинг тизимига ўтказилиши бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир.

Сўнгги вақтларда замонавий банк амалиётига кенг татбиқ этилаётган андеррайтинг кредит олиш исти-гани билдирган потенциал қарздорнинг молиявий ҳолати ва унинг кредитни қоллай олиш имкониятини таҳлил қилишнинг бир қатор жараёнларини ўз ичига олган тизимдир.



Андеррайтинг кредит ажратиш жараёнининг шаф-фоф бўлишини таъминлаб, кредит бўйича масъул шахслар томонидан ҳолислик тамойили асосида, шахсий манфаатлар иштирокисиз қарор қабул қилиш имкониятини яратди. Бу эса кредит ажратиш жараён-ларида коррупциоген ҳолатларга йўл қўйилмаслигига хизмат қилади.

Ўзсаноатқурилишбанкда андеррайтинг тизимининг жорий қилиниши натижасида Банк миқозларининг кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш ва хулоса бе-ришдаги кўп босқичли тизимдан воз кечилиб, улар-нинг филиал комиссияси муҳокамасига киритилиши бекор қилинмоқда.

2021 йилнинг январь ойдан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга модулли кредитлар ажра-тиш юзасидан қарор Банкнинг андеррайтерлар гуруҳи томонидан қабул қилиниши режалаштирилган.

Қайд этиш лозимки, Банк тизимида миқозларга яна-да қулайликлар яратиш ва уларга жозибадор кредит турларини тақдим қилиш мақсадида кредит ажратиш босқичлари 6 тадан 3 тага, муддати лойиҳа қиймати ва мақсадидан келиб чиқиб, 10 кундан 1 кунгача қисқар-тирилди, қоржоналарнинг мулкчилик шакли, кредит мақсади, фаолият туридан келиб чиқиб қатор янги кредит маҳсулотлари жорий этилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзсаноатқурилишбанкда Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Банкни халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган молия муассасасига айлантиришга қаратилган трансформа-ция жараёнлари амалга оширилмоқда. Бунда Банк хизматларининг миқозга йўналтирилганлиги асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

РАҚАМЛАШТИРИШ – РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ



Хабарингиз бор, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДХ) банк тизимида кечаётган глобаллашув жараёнларини, унинг ижобий ва салбий оқибатларини, ривожланган давлатларнинг халқаро банк фаолиятида тўпланган тажрибасини ўрганиш ҳамда йиғилиб қолган амалий муаммоларга маслаҳатлашган тарзда ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Халқаро Банк Кенгашига аъзо сифатида МДХ давлатларининг Иқтисодий Кенгаши йиғилишларида доимий равишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси раислигида навбатдаги Халқаро Банк Кенгаши йиғилиши жорий йил Тошкент шаҳрида ўтказилиши таклифи билдирилган эди ва бу ташаббус бир овоздан маъқулланган. Шу муносабат билан Халқаро Банк Кенгаши йиғилиши жорий йил 11 ноябрь кунига белгиланган эди. Йиғилиш пандемия шароити туфайли видеоанжуман шаклида ташкил этилди.

Мазкур анжуман "Пандемияни бартараф этиш шароитида, замонавий молия-банк тизимини рақамлаштириш – ривожланишнинг асосий талаби. Пандемиядан кейинги даврда банк тизимини ривожлантириш стратегияси" мавзусида бўлиб ўтди.

Видеоанжуманда МДХ ва Шарқий Европа давлатларининг Халқаро Банк Кенгашига аъзо банк-молия ташкилотларининг уюшмалари ва му-

стақил халқаро экспертлар иштирок этдилар. Ушбу йиғилишда мамлакатимиз томонидан Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва юртимиздаги тижорат банкларининг раҳбарлари қатнашди.

Видео алоқа усулидаги мазкур тадбирда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Бош директори Бахтиёр Ҳамидов, Халқаро Банк Кенгаши раиси, Россия банклари Ассоциацияси раиси ўринбосари Мурычев Александр Васильевич (модераторлик қилди), Россия банклари Ассоциацияси вице-президенти Войлуков Алексей Арнольдович, Қирғизистон Банк Кенгаши (ОЮЛ) президенти Абдраев Анвар Кариевич, Марказий ва Шарқий Европа банклари Ассоциацияси Бош котиби Иштван Лендъел, Озарбайжон банклари Ассоциацияси ижрочи директори Юнус Абдулов, Қозоғистон банклари Ассоциацияси президенти Байсейитов Бахытбек Рымбекович, Қозоғистон банклари Ассоциацияси ижроия қўмитаси раиси Байтоков Марат Уахитович, Украина банклари Ассоциацияси мустақил ижрочи директори Коробкова Елена Анатольевна, Россия Банки миллий тўловлар ти-

зими – (НПС) ривожланиш ва бошқариш Бошқармаси раҳбари Барышков Денис Александрович, Ўзсаноатқурилиш Банки Бошқарма раиси ўринбосари Улуғбек Таваккалов, CEO ва SCHEIDER GROUP компанияси президенти, Халқаро банклар Ассоциацияси Кузатов Кенгаши аъзоси Ульф Шнайдер ҳамда ушбу йиғилишнинг бошқа иштирокчилари ўзаро фикр алмашдилар.

Ушбу видеоанжуман шуниси билан диққатга сазовор бўлдики, унда Кенгашнинг сўнги уч йиллик фаолияти натижалари тўғрисида ахборот тингланди ва сарҳисоб қилинди. Шунингдек, келгуси уч йиллик учун Халқаро Банк Кенгаши Раиси, унинг ўринбосари ва ижроия котибияти тасдиқланди.

Маърузачилар ўз чиқишларида ўз мамлакатларида пандемия шароитида кредит ташкилотлари дуч келаётган муаммолар ва молиявий қийинчиликлар, пандемиянинг салбий оқибатлари ҳамда уларга қар-

ши кураш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида фикр алмашдилар. Ижобий ва самарали натижага эришган, эришаётган давлатлар вакиллари ўз тажрибаларини бўлишдилар.

Тадбирда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Бош директори Бахтиёр Ҳамидов ҳам мамлакатимизда пандемияга қарши курашиш доирасида амалга оширилаётган ишлар, бундай мураккаб даврда тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш, давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини пандемиянинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги маърузаси билан чиқиш қилди.

Мухтасар айтганда, йиғилиш якуни бўйича Халқаро Банк Кенгаши Қарори қабул қилинди ва у Кенгаш аъзоларига ижро ҳамда иш фаолиятида фойдаланиш учун тарқатилишига келишиб олинди.

Шукур ЖАББОР



БАНК ТИЗИМИНИ ЁРИТИШДА ЯНГИЧА НИГОҲ



(Бошланиш 1-саҳифада)

Яқинда Республика Марказий банкда журналист ва блогерлар учун "Банк тизимидаги слоҳотларни ёритишда янгича нигоҳ ва замонавий ёндашувлар" мавзусида ташкил этилган семинар-тренинг қўллаб-қувватлаш журналист ва блогерлар учун айни мудоао бўлди. Чунки унда иштирокчилар банк соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамлаб, соҳага доир қўллаб-қувватлаш билан танишиш баробарида Марказий банкнинг маъсۇл раҳбар ходимлари ва малакали иқтисодчилари билан юзма-юз мулоқот қилишди.

Семинар-тренинг машғулотлари иқтисодий йўналишдаги, хусусан, банк тизимидаги ахборотларни аҳолига янгича ёндашув асосида етказиш, ахборотни холис ва шэфоф ёритиш, журналист ва блогерларда факт ва далиллар билан ишлаш кўникмаларини оширишга қаратилди.

Унда Марказий банкнинг маъсۇл раҳбар ходимлари ва малакали иқтисодчилар маҳаллий ва жаҳон тажрибасига оид тақдиротлар орқали бугунги кунда Марказий банк сийосатини ёритишнинг аҳамияти, жамоатчилик учун муҳим маълумотларни саралаш ва ёритиш, банк тизимида-



ги муҳим мавзулар бўйича тушунчалар беришди.

Хусусан, семинар иштирокчиларига пул-кредит сийосати ва банк тизими соҳасида институционал ўзгаришлар, инфляция таргетлаш режимининг жорий этилиши, кредитлаш механизмлари ва хусусиятлари, тўлов тизимлари ва рақамли иқтисодиёт, тижорат банкларининг халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилиниши ва бошқа долзарб мавзуларда маълумотлар берилди.

Эркин ва очиқ мунозара асосида ташкил этилган семинарда журналистларнинг қизиқиш ва

маҳоратини ошириш мақсадида интеллектуал ўйинлар ва қизиқарли викториналар ҳам ташкил этилди.

Шу билан бирга, иқтисод ва банк соҳасини фаол ёритиб келаётган, ўз каналда қўллаб-қувватлашга эга номдор журналист ва блогерлар ўзларининг ижодий мезонлари билан ўртоқлашдилар. Улар иқтисодий мавзуларда материал ёзиш, ахборотларни саралаш кўникмалари ҳақида маълумот беришди, таъсирчан ва тезкор ахборот ҳамда таҳлилий мақолалар тайёрлаш борасидаги тажрибаларини сўзлаб беришди.

Ўз мухбиримиз

ФАРҒОНАДА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?



(Бошланиши 1-саҳифада)

Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош бошқармаси тақдим этган маълумотга асосан, қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда вилоятда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 400 млрд. сўм кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган эди. Бироқ мазкур йўналишга шу йилнинг ўтган даврида 508 млрд. сўм кредитлар ажратилиб, белгиланган прогноз режаси 127 фоизга бажарилди.

Хусусан, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида 15 минг 223 та лойиҳаларга 367,2 млрд. сўм, хунармандчиликни ривожлантириш дастури доирасида 2 минг 735 нафар хунармандларга 86,6 млрд. сўм, "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури доирасида 146 та ёш тадбиркорларга 34,4 млрд. сўм, хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 549 нафар аёлларга 9,7 млрд. сўм ва бошқа дастурлар доирасида 155 нафар тадбиркорларга 9,9 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди.

Кредит маблағлари ҳисобига аҳолига 4 минг 600 бош қорамол, 41 минг 100 бош қўй, 14 минг 280 та тивув дастоҳи етказиб берилди. Шунингдек, 11,1 гектар иссиқхона қуриб битказилди ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида 3683 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Кредит маблағлари устувор равишда ҳудудлардаги сектор раҳбарлари тавсиясига кўра, кафолатланган иш ўрни яратувчи тадбиркорлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун "Темир дафтар"га киритилган 2,5 минг нафардан зиёд ҳамюртларимизга 32,7 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Ўз навбатида, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади ва ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш мақсадида "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган оилалар бандлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилиб, банклар томонидан "Мижозга йўналтирилганлик" иш услубини қўллаган ҳолда тадбиркорлик қилиш истагидаги аёллар ҳамда ёшларнинг бизнес гоаялари тўлиқ қўллаб-қувватланади.

Шунингдек, вилоятда хизматлар соҳасининг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбир-

корларни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги "Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4752-сонли Қарорига асосан Фарғона вилоятига 100 млрд.сўм миқдоридан ресурс маблағлари ажратилиши белгиланган бўлиб, "Ўзмиллийбанк" АЖ орқали маблағлар тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг буюртмалари бўйича ажратилиш механизми йўлга қўйилган.

Мазкур қарор ижроси юзасидан бугунги кунга қадар 212 та лойиҳаларга 86 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилиб, 1.708 та доимий иш ўринлари яратилди, қолган 21 та лойиҳаларни ноябрь ойи якунига қадар молиялаштириш ишлари якунлаш белгилаб олинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июль кунги "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4399-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятда 2020 йилда 84 та лойиҳалар орқали 16,8 млн АҚШ доллар ўзлаштирилиши эвазига 86,7 гектар интенсив боғ,

14 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш омборхоналари, 9 та қишлоқ хўжалик техникалари ва 740 бош насли қорамоллари олиб келинди.

2020 йилнинг 16 ноябрь ҳолатига 500 та лойиҳаларга ажратилган 885 млрд. сўмлик кредитлар ҳисобига лойиҳалар тўлиқ қувватда ишга тушиб, 13453 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 47 та лойиҳалар банклар томонидан молиялаштирилган бўлиб, уларни йил якунига қадар ишга тушириш учун уларнинг айланма маблағларга бўлган талаби банклар томонидан қондирилиши, ўз навбатида пул оқимлари миқдорини ошириш, махсулот бозорини топшида банклар ташаббускорларнинг "бизнес ҳамкори" сифатида амалий ёрдамлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда барча давлат дастурлар ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар бир дастур ортида юрт равнақи ҳамда минглаб инсонлар тақдирини ётганини Марказий банкнинг Фарғона вилояти Бош бошқармаси жамоаси ҳамда ҳудудий тижорат банклари ходимлари яхши билишади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мувожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасининг ташкил этилгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатлардан биридир.

ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИГА ТЎСИҚ БЎЛМАЙЛИК

Айни дамда мазкур Қабулхоналар тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланган. Буни Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мувожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур Қабулхона томонидан чет эллик инвесторларни қабул қилиш, сайёр қабул қилиш, ишчи гуруҳлар билан бирга мувожаатларини кўриб чиқиш, қонуний талабларини жойида ҳал этиш, ҳал этилмаган мувожаатларни ваколатли органларга юбориш ва ижросини назоратга олиш, барча маълумотларни ягона интерактив порталга киритиб бориш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, тадбиркорлардан бевосита Қабулхонага 131 та, сайёр қабулларда 35 та, Call-марказ орқали 82 та жами 252 та мувожаатлар билан 258 та масала қабул қилиниб, ижрога олинди. Уларнинг 139 таси кредит, 36 таси бино ва ер ажратиш ҳамда инфратузилма тармоқларига улашиш, солиқ бошқа масалалар бўйича мувожаат қилинган. Мазкур шикоятларда кўтарилган муаммолар кўриб чиқилиши таъминланиб, 150 таси ижобий ҳал қилинди, 98 тасига тушиштириш берилди.

кетма-кетликда кредит маблағларини ажратишни таъминлаш механизмининг жорий этиш зарур.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган имтиёзли кредитларни 30,0 млн. сўмгача бўлган миқдорини ҳам банкларнинг марказий бошқарув бўлинмалари тасдиқлаб бериш учун тадбиркорлар ҳафталаб кутишига ва шикоятлар кўпайишига олиб келмоқда.

Бу муаммонинг ечими эса энг кам ойлик иш ҳақининг 150,0 баробаригача ажратиладиган кредитлар суммасини туман банклари ваколатига берилса, мувожаатларни кўриб чиқиш муддатида амалга оширилишига эришилади.

Шунингдек, ҳозирги пандемия даврида иши юришмаган тадбиркорлик субъектларининг барчасини кредит муддатини узайтириб, имконият яратилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Айни дамда тижорат банклари фақатгина тадбиркорлик субъектларининг айрим турларинигина ана шундай энгиллик бермоқдалар.

Тадбиркорларни яна бир қийнаб турган масалалардан бири бино ва ер ажратиш ҳамда инфратузилма тармоқларига улашиш бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали бе-



Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мувожаатларнинг аксарияти банкдан кредит олиш бўйича бўлиб турибди. Шу боис, бу масала юзасидан айрим фикр ва таклифларимизни олға суришни лозим топдик.

Ўрганишлардан шу маълум бўлмоқдаки, "Ҳар-бир оила тадбиркор" давлат дастури кредит олишда туман ҳокимлигига маълумот берилади кейин эса вилоят ҳокимлиги юборилиб у ерда баённомаси тасдиқлангандан кейин маблағ ажратилади. Бу эса айрим ҳолларда 4-5 ойлаб чўзилиб кетмоқда. Шундан айримлар кредит ола олмай қолмоқда, яъни ресурс йўқлиги сабаб қилиб кўрсатиб ўтилмоқда. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир кредит маблағини олиш истагини билдирган тадбиркор ёки жисмоний шахсларни онлайн дастур орқали киритиш тизимини йўлга қўйиш ва

риш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан тадбиркор ёки фуқаро томонидан буш ерни олиш истаги пайдо бўлганидан сўн қисқа вақт давомида электрон аукционга қўйиш зарур.

Афсуски, бу борада ҳам қилиниши лозим бўлган ишлар бисёр. Агар мулоҳаза қилиб кўрилса, бир тадбиркорлик субъектининг ишга тушиши юртимизга қанча фойда келтиради. Яъни у янги иш ўринлари яратибгина қолмай солиқ тўлайди, ҳудуд ривожига муносиб хисса қўшади.

Афсуски, буни айрим ташкилот ходимларининг яхши англамаганлиги сабаб, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлмоқда.

**Алишер ЗИЯЕВ,
Сирдарё вилояти
Мирзаобод туманидаги
Тадбиркорлар мувожаатларини
кўриб чиқиш Бош вазир
қабулхонаси мудири.**

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА

тўлаш ҳамда бир қатор банк хизматларидан фойдаланишлари мумкин.



Одилбек РАХИМОВ

Марказий банк Хоразм вилояти
Бош бошқармасининг
Нақд пул муомаласини ташкил
этиш бошқармаси бошлиғи

Бутун жаҳон банк сектори рақамли трансформация марказида бўлиб, рақамли келажакда рақобатбардошлигини сақламоқчи бўлган аънанавий банклар мижозларининг талабларини бажаришда ҳаракатчан, тезкор ва самарали бўлиш учун рақамли трансформациянинг янги технологияларни топишда кўп изланишлар олиб бормоқдалар. Ҳозирда банклар мижознинг кутилмаларини билиб олишга ўрганишлари керак, бунда мижознинг замонавийлик даражаси ошгани сари унинг рақамли кутилмаларига мос келиш мураккаблашиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегияси тизимига янги ёндашувларни бошлаб берди. Бу борада, давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда замонавийлаштириш масалалари ҳам режалаштирилган эди.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, бугун, Ўзбекистонга, шу жумладан, Хоразм вилоятига кириб келаётган хорижлик инвесторлар оқими кўпаймоқда. Уларнинг талабига жавоб бериш ва кучли рақобат муҳити шакланган бир пайтда банклар ўз иш услубини ўзгартиришга, мижозлар хоҳиш-истакларини тўлиқ қондиришга интилиши зарурат ҳисобланади. Бу жараён “банклар трансформацияси” атамаси билан номланади.

Хурматли Президентимиз

Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил январь ойидаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам жорий йилда ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, бу борада жорий йилда Хоразм вилоятидаги банкларда ҳам сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, Хоразм вилоятида 13 та тижорат банкларининг 48 та шаҳар ва туман филиаллари, 49 та банк хизматлари марказлари, 18 та мини банки ва 108 та 24/7 режимда ишловчи шохобчалар фаолият юритмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 2019-2020 йилларда фаолиятини бошлаган банк хизматлари марказлари вилоятдаги банкларнинг операцияларини самарадорлигини янада ошириш учун минибанклар тармоғини оптималлаштириш ва мижоз учун қўлай бўлган замонавий хизмат кўрсатиш марказларига айлантириш мақсадларида ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3945-сонли қарорига мувофиқ, Республикаимизда “НУМО” Миллий тўлов тизими ташкил этилган бўлиб, Ҳукумат томонидан мазкур тизимнинг тўлов инфратузилмасини янада кенгайтириш ҳамда уни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк карталари билан қамраб олишни таъминлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

Амалий комплекс чора-тадбирлар ижроси юзасидан аҳолига янада қўлайликлар яратиш мақсадида жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига вилоятга олиб келинган 215 та “НУМО” банкоматлари вилоятнинг аҳоли заевум жойлар, бозор комплекслари, 24/7 режимдаги шохобчалари, маҳаллий ва хорижий меҳмонлар кўп ташриф буюрадиган объектлар, Хива ичан қазла мажмуаси, меҳмонхоналар, аэропорт, вокзал, умумий овқатланиш объектларига ўрнатилди. Ўрнатилган “НУМО” банкоматларида халқаро тўлов тизимлари (MasterCard, VISA, UnionPay ва бошқалар) банк карталаридан хорижий валютада пул ечиб, нақд миллий валютада пул бериш имкони меҳмонларга анча қўлайлик яратмоқда. Банкоматларни мунтазам пул маблағлари билан тўлдириб бориш ва доимий ишчи ҳолатида бўлиши назорат қилиб боришмоқда.

Вилоятдаги тижорат банклари томонидан жами 11456 та “НУМО” тўлов терминаллари олиб келиниб, савдо ва хизмат кўрсатиш объектига ўрнатилиб, мунтазам ишлаши таъминланмоқда.

Ўрнатилган терминаллар халқаро тўлов тизимлари (MasterCard, VISA, UnionPay ва бошқалар) банк карталаридан пул ечиш имкони яратилганлиги тўғрисида мижозларга тушунтириш ва зарур маълумотлар тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, 174 та ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиослар ташкил этилган бўлиб, жорий йил якунига қадар ушбу ускуналар сонини янада ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги 2953-сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қароридан Хива шаҳрида хорижий ва миллий валютани қабул қилиш бўйича банкоматлар ва терминаллар тармоғини кенгайтириш назарда тутилган бўлиб 2020 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига шаҳардаги 3 та тижорат банк филиали ҳамда 10 та банк хизматлари марказлари фаолият юритиб, улар томонидан банк биносидан ташқари ижтимоий ва маданий объектларда жами 44 та банкоматлар ва хўжалик юритувчи субъектларга 1778 та терминаллар “НУМО” ва “Uzcard” тизимида ўрнатилган.



Вилоят тижорат банкларида, бутун дунёда давом этаётган коронавирус пандемияси даврида, мижозлар учун банкка келмаган ҳолда, масофадан туриб кўрсатиладиган хизмат турлари сони кенгайтирилмоқда. Ҳозирда банкларнинг мижозлари интернет-банкнинг, мобил-банкнинг ва смс-банкнинг хизматларидан фойдаланиб, ўзларининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича маълумот олишлари ва уларни масофадан туриб бошқаришлари, P2P тўловларини ўтказишлари, QR код орқали тўловларни, коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширишлари мумкин. Мобил илова орқали онлайн кредит олиш ва омонат қўйишлари, конверсия, солиқ ва бошқа тўловларни

Марказий банк томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда QR-код орқали (Quick Response Code – тезкор аниқланадиган код) тезкор тўловни амалга оширишнинг – QR-online стандартлаштирилган ва универсал хизмати ишга туширилиб жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида вилоятдаги банк филиаллари томонидан жами 482 та хўжалик юритувчи субъектлар ушбу янги ва замонавий хизмат турига рўйхатдан ўтдилар.

Мазкур тизим доирасида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари (хўжалик юритувчи субъектлар) ўзларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали QR-кодни шакллантириб, рўйхатдан ўтказадилар. Харидорлар томонидан мобил илова дастурлари воситасида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг QR-кодларини сканер қилиш ҳамда харид суммасини киритиш орқали тўловлар амалга оширилади. Бунда пул маблағлари мобил иловага бириктирилган банк карталари ҳисоб варақлари ва электрон пул ҳамёнлардан ҳисобдан чиқарилади.

Шунингдек, ҳозирда тобора оммалашиб бораётган банк хизматларидан “One Touch” хизмати АТ “Туронбанк” Урганч филиали томонидан тақдим қилинаётган янги банк хизматларидан биридир. АТ Туронбанк ва “Нумо” тўлов тизими ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу хизмат тури мобил телефонга уланиб терминалларсиз тўлов қабул қилиш имкониятини яратади.

Тан олишимиз лозимки, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва юқори даромад олишга мослашган замонавий бизнес-моделга эга бўлмай туриб, банк капиталига чет эл инвесторларини жалб қилиш имкони мавжуд эмас.

Хоразм вилоятидаги банкларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга доир ишлари изчил давом эттирилади ва бугунги кунда банк олдида турган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш учун аҳилликда меҳнат қилган ҳолда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектига янада қўлай замонавий банк хизматлари кўрсатишга доимий интилади.

АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Халқ орасида юриб, уларнинг дардини эшитиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Бинобарин, ҳозир айна шу тамойил энг долзарб масалага айланган. Бусиз ислохотларнинг самарасини сезиш қийин, одамлар турмуш тарзини яхшилаш имконсиз. Шу боис айна пайтда юртимизда катта-ю, кичик давлат идораларидан тортиб, хизмат кўрсатиш ва молиявий ташкилотларгача шу қоидага амал қилишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, муаммолар мулоқотда маълум бўлади, ҳамкорлик ҳамжиҳатликда кенгайди, ривожланади.

Аслини олганда, халқ орасида бўлиш молия муассасалари, хусусан, тижорат банклари учун ҳам жуда зарур ва фойдали. Нега? Чунки банклар фаолияти миқозларга, яъни одамларга боғлиқ. Улар қанчалик кўп миқоз жалб этса, айланма маблағи ҳам, даромади ҳам шунчалик ортиб бораверади. Демак, банкларнинг бугунги тарғибот-у ташвиқоти, миқозларни қийнаётган турли муаммо ва тўсиқларга барҳам бериши ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Шу маънода, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг мамлакатимизнинг шимоллий ҳудуди – Қорақалпоғистон Республикасига қаратаётган эътибори бежиз эмас.

Айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикасига кейинги йилларда жуда катта эътибор қаратилмоқдаки, бунинг самараси кундан кунга чирой очиб бораётган Мўйноқ ва бошқа туманлардаги ўзгаришларда, том маънода ҳаётга қайтаётган Оролбўйи ҳудудларидаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида бажарилаётган мисли кўрилмаган ишларда яққол намоён бўлмоқда.

Оролнинг қуриган қисмига сеппилган ҳар бир уруғ ва кўчат эртага униб, ўсиб ниҳолга, дарахтга айланиши, шубҳасиз. Зеро, бу ишлардан ният ҳолис, кўзланган мақсад аниқ.

Бу каби ишларга камарбаста бўлаётган "Микрокредитбанк" жамоаси Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларида, хусусан, Чимбой ва Хўжайли туманларида



камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга кўмаклашишни ўзларига вазифа қилишди.

Хўш, камбағалликни қандай қилиб камайтириш мумкин? Мутахассислар бунга тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали даромад топиш имконини яратиш билан эришилади, дея фикр билдиришади.

Дарҳақиқат, шундай. Одам қанчалик доимий даромадли ишга эга бўлсагина турмушида барака бўлади. Оила тинч-тотув ҳаёт кечирилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, "Микрокредитбанк" мутахассислари томонидан ушбу туманлардаги вазият чуқур ва таҳлилий ўрганиб чиқилгани ишни тўғри ташкил этишда кўл келяпти, дейиш мумкин.

Ўрганишга кўра, ҳозирги кунда Чимбой туманида жами 1 781 та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, шундан 1 120 таси яқка тартибдаги тадбиркор ва 661 таси юридик шахсни ташкил этади.

Туманнинг драйвер соҳаси сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва чорвачилик йўналишлари белгилаб олинди. Шу боис мазкур йўналишларда 176 та янги иш ўрнига эга умумий қиймати 63,9 млрд. сўмлик 19 та, яъни 6 та донни қайта ишлаш ва 13 та чорвачилик йўналишида янги лойиҳа йўлга қўйилди.

Чимбой туманидаги мавжуд 51 та саноат корхонаси фаолияти ўрганилганда 24 та корхонага пандемия ўз таъсирини кўрсатгани аниқланди. Шу сабабли 5 нафар тадбиркорнинг 4,2 млрд. сўмлик кредит тўловлари бўйича таътил берилган бўлса, 3 нафарига 1,2 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди ҳамда 2 та фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектига йил якунига қадар 1,3 млрд. сўм айланма маблағ учун кредитлар ажратилиши белгилаб олинди.

Айна пайтда Чимбой туманида 21 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинидаги 18 571 та хонадонларда 113 минг аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги жами ишислар сони 6,2 минг нафар. Хўжайли туманидаги 26 та МФЙда 123 мингта аҳоли истиқомат қилса, шундан 6 507 нафари иш билан таъминланиши зарур. Шу боис туманда улар "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган. Чимбой туманидаги "Пашент тау", "Таг жап", Хўжайлидаги "Саришунгул" ва "Қумжыққын" овул фуқаролар йиғинлари ўрганилганда ишсизлик, ер, электр энергияси ва газ таъминоти ҳамда уй-жой бўйича муаммолар борлиги аниқланиб, уларнинг ечими бўйича "Йўл харита"си ишлаб чиқилди.

Шу боис Чимбойда ижтимоий дастурлар доирасида жорий йилда 552 та жисмоний ва юридик шахсга 18,3 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 1 013 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Шунингдек, жорий йил якунига қадар 4,5 млрд. сўм кредит ажратилиб, яна 225 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланди.

Амалга оширилган ишлар, кўрилган чора-тадбирлар натижасида Чимбойда йил якунига қадар жами 2 490 шундан, 2020 йилда 724, 2021 йилда 1 045, 2022 йилда 721 киши иш билан таъминланади.

Булар, табиийки, ушбу ҳудудлар салоҳияти юксалишига, пировардида шу ерда истиқомат қилаётган одамлар турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилиши муқаррар. "Микрокредитбанк" АТБ эса уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳамisha тайёр ва бунинг учун ушбу туманлардаги лойиҳаларга махсус кредит линиялари жалб қилишга киришган.

Сарвар ОЧИЛОВ
"Микрокредитбанк" АТБ
Матбуот хизмати раҳбари

СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

КРЕДИТ БЮРОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 6 ноябрда 3042-2-сонли рақами билан рўйхатдан ўтказилди)

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон "Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон қарори (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 30-сон, 630-модда) билан тасдиқланган Кредит бюрорларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низома иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан қучга кирилади.

Марказий банки раиси М.Б. НУРМУРАТОВ
Тошкент ш.,
2020 йил 28 октябрь,
24/7-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
бошқарувининг 2020 йил 28 октябрдаги
24/7-сон қарорига
ИЛОВА

КРЕДИТ БЮРОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

1. 8-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Куйидаги шахслар кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига мувофиқ эмас деб топилганда ҳамда ушбу лавозимни эгаллаши мумкин эмас:

олий иқтисодий маълумотга эга бўлмаган шахслар; камида беш йиллик иш тажрибасига, шу жумладан кредит амалиёти билан боғлиқ йўналишда камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар;

ижро органи аъзоси, қузатув кенгаши аъзоси ёки ҳал қилувчи эгалликка эга бўлган иштирокчи (акциядор) сифатида ёхуд бошқа усулда ўзи томонидан назорат қилинган юридик шахсни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида банкротлик ва мажбурий ликвидация ҳолатига олиб келган шахслар;

иқтисодиёт соҳасидаги ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун судланганлиги ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар."

2. 19-бандда:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин; ўнчинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 30-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин: "30. Кредит бюроси Кредит бюрорларининг давлат реестрида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда унга лицензия берилади."

4. 33-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин: "33. Лицензиянинг амал қилишини тўхта-тиб туриш, тугатиш, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 20, 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади."

(Бошланиши 1-саҳифада)



Лобар Касимова
“Ипотека-банк” АТИБ Ахборот
ва банк брендини бошқариш
хизмати раҳбари ўринбосари

**МАҚСАДЛАР
ҲАМОҲАНГЛИГИ**

Гендер тенглигини таъминлаш масаласи БМТ қабул қилган қатор ҳужжатларда, жумладан, 2015 йилда қабул қилинган 70-сонли резолюцияда ҳам ўз ифодасини топган. Бу борада БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари” қабул қилинган, шунингдек, Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги бешинчи мақсад ҳам айнан “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”дир.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир поғона юқорилаганини аниқлади. Шу мақсадда амалга оширилаётган ислохотлар, миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар, жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг далили. Чунки миллий қонунчиликда илк бор “гендер” тушунчасига таъриф берилди. Унга кўра, гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат ҳисобланади.

**ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИНГ
ЖАМИЯТ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**

Қонунда давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар бериш, жумладан, давлат хизматчиларининг лавозимлари ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилиши, давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигига риоя этилиши зарурлиги каби талаблар белгиланган.

Банк амалга ошираётган ишларда, аёлларнинг фаровон ҳаёт кечирishiга бевосита таъсир қилаётган ҳуқуқий, маданий ва молиявий тўсиқларни бартараф этиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир.

**БИЗНЕС ЖОЗИБАСИ ВА
ХОДИМЛАР ҲИМОЯСИ**

Статистик маълумотларга қараганда, истеъмол харажатлари тўғрисида қарорларнинг 80 фоизини аёллар қабул қилар экан. Шунга қарамай, бизнеснинг атиги 30 фоизигина аёллар тасарруфиди. Аёллар дунё даромадларининг атиги 10, мулкнинг эса бор-ўйги 2 фоизига эгаллик қилади.

Қолаверса, маданий тўсиқлар, аёллар ҳаракатининг чекланиши ва фақат уйда қолишгагина ижозат берилиши қизларнинг мактабни тугатгач, турмушга чиқиш ҳамда рўзгор ишлари билан машғул бўлишдан бошқа чора қолдирмайди.

Банк тизимида фаолият юритаётган аёлларнинг билим ва малакасини ошириш, бу борада хорижий банклар тажрибасини ўрганиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Банкда аёллар учун ташкил этилаётган қизиқарли психологик тренинглар аёл-раҳбар, аёл-ҳодим қиёфасини тўлиғича шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда десак муболағи бўлмайди. Ҳар бир аёлнинг ички “мен”ини шакллантиришда бу каби тадбирлар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Фаолиятда аёлларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериш, ходимлар учун банкда яратилаётган шарт-шароитлар, хусусан, тиббий суғурта полислари жорий қилиш кўзда тутилаётгани ҳақида ҳамда таътилга чиқиш, ёш болали аёллар учун қисқарти-


рилган иш соатлари жорий этилишига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундан ташқари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда тажрибали, тадбиркорлик кўникмасига эга аёлларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятида юрган аёлларга ёрдам ва тавсиялар бериб боришига эришиш бўйича махсус ўқув ишларини ташкиллаштириш, бу борада яратилаётган имкониятлар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришларнинг ўз вақтида амалга ошиши диққат марказимизда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, мамлакатимизда аёлларнинг ўз иқтидорларини намоён қилиши, қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш ниятида аёлларнинг ўз қайсидир маънода ўзимизга ҳам боғлиқ. Агар аёл ўзини нафақат аёл, бека, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини аниқласа, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, мақсад фақат оила қуриш эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тарақиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилиши балки, фарзандларини ҳам тўғри йўлга бошлаши аниқ.

“Ипотека-банк” АТИБнинг мақсади шундай: аёлларнинг тақлиф-мулоҳазаларига кулоқ тutilса, ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиб, муносиб меҳнат шароитлари яратилса, ўз-ўзидан уларнинг жамиятдаги нуфузи ва роли ҳам ошиб боради. Бу эса гендер тенглигини таъминлаш борасидаги баҳсларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши чин ҳақиқатдир ва биз қураётган жамиятнинг оғир юкни дадил кўтариб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч – жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар эканлигини унутмаслигимиз керак.

“РАИС БИЛАН ҚАҲВА”

Сўзни оддий бир лавҳа билан бошласак: яқинда “Ипотека-банк” акциядорлик банк бош офисидида банк касба уюшмаси кўмитаси ҳамда Ахборот ва банк брендини бошқариш хизмати ташаббуси билан “Раис билан қаҳва” ноъбанавий учрашуви ташкил қилинди.



Ер юзи аҳолисининг эллик уч фоизини аёллар ташкил этади. Шунинг учун ҳам гендер муаммолари бузунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ва фаол меҳнат қилиб келишмоқда. Қачонки, аёллар ҳам иқтисодий жараёнларда ҳам фаол бўлсагина, мамлакат тез ривожланади. Эртанги эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг билими, кенг дунёқарашга эга бўлишида ҳам айнан аёлларимизнинг ўрни бекиёс.

Давра суҳбатининг бу галги мавзуси гендер тенглиги хусусида бўлди. Унда “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси, “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув Кенгаши Раиси Александр Пиккер ҳамда банкда фаолият юритиб келаётган ходималар иштирок этди.

Очик ва кўтаринки руҳда ўтган суҳбатда банкнинг фаол ходималари иш жараёнида юзага келадиган айрим муаммоларни айтиб, турли тақлифлар ва мулоҳазаларини билдирди. Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда аёллар ва ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, ғояларини ривожлантириш ва тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришларига кўмаклашиш борасида билдирилган фикрларни маъқуллашди.

ИНДОНЕЗИЯ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

Иккинчи тўлқин: янги индустриал мамлакатлар иқтисодий модели

Иккинчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар орасида ҳар томонлама энг йирик иқтисодиёт – Индонезия иқтисодиёти ҳисобланади. Бу ерда 240 млн.дан ортик аҳоли истиқомат қилади. 2012 йилда мамлакатда 894,9 млрд. АҚШ долларига тенг номинал қийматда, харид қобилияти паритети бўйича 1212 млрд. АҚШ долларига баробар ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди.



ЯИМ ҳажми бўйича жаҳонда ўн олтинчи, Жануби-Шарқий Осиёда биринчи ўринда туради. Аммо парадокс шундан иборатки, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 155-ўринни эгаллайди. Таққослаш учун айтганда, бу Россия кўрсаткичидан тўрт баробар паст. Бугунги пандемия шароитида бу кўрсаткич янада фарқлидир.

Индонезияда уч соҳали иқтисодиёт амал қилади: ЯИМда қишлоқ хўжалигининг

улуши 14,3 фоиз, саноатиники 46,9 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасиники 38,8 фоиздан иборат. Ишсизлик даражаси юқори – 8,7 фоиз, инфляция даражаси 4-5 фоиз атрофида. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини нефть ва газ, тўқимачилик, пойафзал, кийим-кечак, лантекс ташкил этади.

Мамлакат Япония, Хитой, АҚШ, Сингапур, Корея Республикаси, Ҳиндистон ва Малайзияга газ, нефть, электр асбоб-ускуналари, тўқимачилик маҳсулотлари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, каучук экспорт қилади. Ўз навбатида Сингапур, Хитой, Япония, АҚШ, Малайзия, Корея Республикаси ва Таиланддан машина ва асбоб-ускуналар, нефть, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати маҳсулотларини импорт қилади.

Индонезия тараққиёт модели аграр-индустриал турга киради. Миллий рақобатбардошлик бўйича 2010 йилда 44-ўринни эгаллади. У иқтисодиёт ботида истиқболли ривожланган мамлакатлар гуруҳига киради.

Индонезия иқтисодий модели бозор муносабатлари характерида бўлиб, аммо иқтисодиётни бошқа-

ришда давлатнинг роли катта. У нафақат миллий хўжаликнинг турли соҳаларида йирик корхоналарнинг эгаси, балки шу билан бирга-

лиқда озиқ-овқат, ёқилғи-мойлаш материаллари каби қатор маҳсулотлар нархини назорат қилади.

Хозирги индонез иқтисоди иқтисодиётнинг аграр-индустриал модели, асосан ўтган асрнинг 80-90-йилларида шаклланди. Бунда Сухарто ҳукуматининг модернизациялашган бозор чора-тадбирлари маълум роль ўйнади. Мамлакатда йирик микёсда чет эл инвестициялари оқиб келди, саноат

ва хизмат кўрсатишнинг кўпчилик тармоқлари қарор топди ва жадал ривожланди, етарли самарали молия-кредит тизими шаклланди. Аммо, жадал иқтисодий ўсиш таркибий диспропорцияларни ҳам келтириб чиқардики, бу 1997-98 –йиллардаги Осиё молиявий иқтисодий инқирози шароитида яққол намоён бўлди. ЯИМ ҳажми 13,7 фоизга қисқарди, мамлакат пул бирлиги – рупия долларга нисбатан ўз қийматини тўрт баробардан ортик йўқотди, инфляция 77 фоизга етди. Миллий иқтисодиётнинг инқироздан чиқиши сиёсий беқарорлик шароитида янада қийинлашди.

Фақатгина 2004-2006 йилга келиб иқтисодиёт қаддини ростлади, ҳар жиҳатдан динамик ўсиш кузатила бошланди. 2008-2009 йилларда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирозни кам талофот билан ўтказди, унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари унча катта бўлмаган миқдорда пасайди. Бунинг асосий сабаблари бор эди, қуйида биз унга бироз тўхталиб ўтамиз.

Бу вақтга келиб худди Хитойда бўлганидек, Индонезияда ҳам иқтисодий ўсишнинг манфаатдор механизми ички истеъмол бўлди. Маълумки, у иқтисодий ривожланишнинг қудратли рағбати бўлиб ҳисобланади. Илгари ривожланган бозорлардан орқада қолиб келаётган Индонезия иқтисодиёти энди Хитой ва Ҳиндистон қаторида ўсади. Бу ўсиш барқарор, табиий, ташқи омилларга унчалик боғлиқ эмас, бугунги шароитда кам учрайдиган ҳодисадир. Индонезия иқтисодиёти ўсишининг драйвери қиммат нефть ва арзон кредитлар эмас, балки ички истеъмолнинг ўсиши бўлиб майдонга чиқмоқда.

Мамлакат аҳолиси таркиби ёшларнинг улуши бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Албатта, аҳолининг бу қисми яхши яшашга ҳаракатда бўлади ва бунинг учун эса тинмай меҳнат қилишга тайёр. Барқарорлик ЯИМнинг таркиби билан изоҳланади. Унинг 57 фоизи ички истеъмол ҳисобига шаклланади. Ўрта

табақанинг ўсиши билан бу ҳисса ҳам ошиб боради. ЯИМнинг 25 фоизи соғлом иқтисодиёт маконлари ҳисобланган Хитой, Ҳиндистон ва Сингапурга газ, кўмир ва биржа маҳсулотлари экспортдан келади.

Сиёсий ва иқтисодий ислохотлар учун индонезияликлар 20-аср охиридаги Осиё молиявий-иқтисодий инқирозидан миннатдор

бўлишлари керак. Чунки, унинг натижасида иқтисодиёт 13 фоизга қисқариб, инфляция даражаси 60 фоизга етиб, рупия қулаб тушиб, президент Сухартонинг коррупцион режимини асфаласофилинга жўнатган эди. Сирасини айтганда, инқироз ислохотнинг бошланиш нуқтаси бўлди.

Мамлакатда инвесторлар учун катта шароитлар яратилган. Бу ердаги йирик компаниялар, айниқса, кўмир компаниясининг акциясини сотиб олиш учун ўзининг брокеринингизга телефон қилишингиз етарли. Индонезиядан чет эллик инвесторларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиши учун ҳеч қандай чеклов йўқ. Иқтисодиётнинг ўсиши мамлакатда уй-жой фонднинг тез ўсиб кетишига

олиб келмади. Бугун Жакартнинг энг яхши қисмида апартаментнинг бир квадрат метри ўртача нархи Сингапурдагидан 9-10 марта арзон.

ТИЛ

Давлат тили бахас ҳисобланади. Инглиз тили ишбилармон доира ва оромгоҳларда кенг тарқалган.

Индонезияда ҳозир амал қилаётган иқтисодий модель “аралаш иқтисодиёт” вариантларидан биридир. Бир томондан, бозор усулларига кенг йўл берилмади, иккинчи томондан, иқтисодиётда давлат ўрни юқори. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви миллий

ПУЛ БИРЛИГИ (валюта) Миллий пул бирлиги - индонезия рупияси ҳисобланади. Пулни банкларда айирбошлаш тавсия этилади, бу ерда энг фойдали айирбошлаш курси бор. Квитанцияларни сақлаб қўйинг, негаки, мамлакатдан чиқиб кетишингизда индонезия рупиясини бошқа валютага айирбошлаш вақтида керак бўлади. Туристтик чеклар банклар ва айирбошлаш шохобчаларида алмаштирилишлари мумкин, шунингдек, баъзи бир дўконларда ҳам амалга оширилади. Кредит карталарининг асосий кўринишлари ҳам тўлов учун қабул қилинади, улар асосан, қимматбаҳо меҳмонхоналар, ресторан ва дўконларда амалга оширилади, бироқ кундалик эҳтиёжлар учун бирмунча ноқулай. Банклар душанбадан пайшанбагача (8.00 - 15.00) ишлайди, жума куни (8.00 - 11.30), шанба куни (8.00 - 14.00). Яхшанба – дам олиш куни.

ривожланишнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилайдиган беш йиллик режалар орқали амалга оширилади. Стратегик мақсад ва вазифаларга эришишда бюджет, солиқ, лицензиялаш, божхона валюта-молия каби билвосита дастақлардан кенг фойдаланади. Булардан ташқари давлат сув билан таъминлаш тизими, транспорт, алоқа, энергия билан таъминлаш ва бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишини бевосита ўзига олади. Бу тармоқларнинг маҳсулот ва хизматларини белгиланган нархларда хусусий соҳага йўналтириш орқали давлат ишлаб чиқариш харажатлари даражасига реал таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади, шунга мувофиқ хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантиришга хизмат қилади.

Экспертларнинг хулосаларига кўра, 2050 йилга бориб аҳоли жон бошига даромадлар 22 мартага ошади. Индонезия архипелаги Хитой ва Ҳиндистондан кейин Осиёнинг учинчи мамлакати ҳисобланади.

Йўл чеклари American Expressга доим ёрдам берган

Йўл чипталари кредит карталари асос солинишига хизмат қилди ва компанияда туристик бизнес юритишига имкон берди

American Express дунёда илк марта пластик карталарга асосланган тўлов тизимини ташкил этган ва йўл чипталарини илк марта кашф қилган компаниялардан бири сифатида танилган.



American Express 1859 йил март ойида Нью-Йоркда Livingston Fargo & Co., Wells & Co. ва Butterfield and Wasson сингари транспорт компанияларнинг бирлашиши натижасида юзага келган компаниядир. Унинг президенти сифатида Уильям Фарго танлаб олинган. American Expressнинг устаб жамгармаси 150 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, ўша вақтлар учун кичик бўлмаган маблағлар ҳисобланган. 1885 йилда эса муваффақиятли фаолият юритиши натижасида маблағ 18 миллион АҚШ долларига кўпайган.

1891 йил American Expressнинг илк маҳсулоти пайдо бўлган – йўл чиптаси. Бу чипта кейинчалик кредит картаси сифатида фойдаланилган ва компанияга ўз туристик бизнесини ташкил этишга имкон берган. Бироқ American Expressнинг хорижий давлатларда бўлими бўлмаган ва шу боис 1980 йил якунида Европа бўйлаб саёҳат қилишга йўл олган Фарго аккредитивлардан фойдаланишга мажбур бўлган.

Саёҳатдан қайтиб келгач, ўз қабулига Марселуса Беррини чақирган ва аккредитивлардан фойдаланиш қийинчиликлари ҳақида кўничи сўзлаб берган. Аккредитивларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, Фаргога аккредитив берган Америка банкларидан бири ўз бўлимига эга шаҳарлардагина нақд пулни ечиб олиш имкони берилган, холос. Зиммасига юклатилган вазиға ҳар қанча мушкул бўлмасин, Марселуса Берри ўз ишини аъло даражада бажарди ва 1891 йилда “нақд пулсиз жамият” ташкил этилишига ҳисса қўшган молиявий маҳсулотни кашф қилди.

У йўл чиптаси кўриниши ва концепциясини ишлаб чиқди

ва шу бўйича унинг кўриниши деярли ўзгармаган. American Express йўл чипталари \$100, \$50, \$20 ва \$10лик номиналларда ишлаб чиқарилган. American Express ходимлари гувоҳлигида чипта харид қилган мижоз тайёр бланканинг чап тепа қисмида имзосини қолдирар ва чеки нақдлаштириётганда яна бир бор имзо чекарди.

Компания биринчи йилда жами 9 минг АҚШ долларилек 248 та чиптани сотишга эришган. 1892 йилда йиллик савдо ҳажми 483 минг АҚШ доллари, 1909 йилда 23 миллион АҚШ долларига тўғри келган. Гарчи компания учун устувор йўналиш юк ташиш билан боғлиқ бўлса-да, American Express чипталарига АҚШда жиддий қарай бошлашди.

Бироқ 1914 йилда, Биринчи жаҳон уруши Европани маҳв этганида 150 минг нафар америкалик сайёҳлар пулларни қўлга киритишга қийналишган. Банклар хорижий кредит хатларига асосан пулларни нақдлаштиришдан бош торта бошлаган. Саросимага тушиб қолган мижозлар American Expressнинг идораларида навбатда тура бошлаган ва у ерда улар банк карталаридаги пулларни нақдлаштириб олишган. Уруш даврида American Express бошқа хизматларни ҳам кўрсата бошлаган. Аввалига компания Буюк Британия ҳукуматининг ёрдам маҳсулотларини тарқатиш, Германиядаги асирда қолган ҳарбийларга хат ва пулларни етказиб бериш билан шуғулланган, кейинроқ Болгария, Голландия, Норвегия, Швейцария ва Туркияда ҳам ўз фаолиятини давом эттирган.

Компаниянинг янги президенти Фредерик Смолл компаниянинг туристик йўналишини ишга тушириш ҳақидаги гоёни ишга ўртага ташлаган: “Биз сайёҳларга чипта ёки йўл чекини сотиш билан чегараланиб қолмаслигимиз керак. Ҳатто портда мижозларни гул билан кузатиш билан кифояланмаслигимиз керак. Биз сайёҳларга ўз саёҳати давомида керак бўладиган ҳар қандай хизматларни тақдим этишимиз

керак”. Шундан сўнг American Express саёҳатчиларга бир қатор хизматларни тақлиф эта бошлади: турларни буюртма қилиш, трансатлантик денгиз саёҳатини ташкиллаштириш ва Европадаги идораларида валюта айирбошлаш сингари хизматлар шулар жумласидандир. 1929 йилга бориб компания Американинг йирик туристик агентларидан бирига айланди ва ўз меҳнат фаолиятини Европада ҳам юрита бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши туристик бизнес якунига етишига сабабчи бўлди. Бироқ American Express бу мушкул даврни аввалгидек йўл чипталарини сотиш орқали ўтказиб олишди. Айни уруш қизғин равишда давом этаётган бир пайда Фредерик Смолл истеъфога чиқди ва компанияни саёҳатни ҳаётининг бош мақсади деб ҳисоблайдиган, ҳашаматли ҳаётини ўрганган ва Европанинг етакчилари билан суҳбатлашиб турадиган Ральф Рид бошқара бошлади. Табиийки, туристик бизнес American Expressнинг урушдан кейинги асосий фаолият тури бўлди. 1950 йилда, масалан, American Expressнинг Париждаги бўлимига 12 мингга яқин америкалик сайёҳлар ташриф буюрарди. Улар бу ерда турли хил юкларни қабул қиларди, турларга буюртма берарди, чекларини нақдлаштирарди. Мижозларга хорижда юзага келадиган ҳар қандай масалада ёрдам кўрсатиларди.

Айни пайтда махсус карта ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш гоёси осмонда муаллақ

қолиб кетгандек эди. Рид кредит картали амалиётларни юритаётган мавжуд компаниялар, хусусан American Hotel Association (150 мингта муомлага чиқарилган карталарга эга), бошқаси – Gourmet (40 минг карта) ни сотиб олишга қарор қилди. Бироқ ўзи учун нисбатан янги бозорга чиқиш учун American Express ўзидаги икки ютуқ: ном ва тажрибадан унумли фойдаланишга интиларди. Илгари компаниянинг йўл чиптасидан фойдаланган 200 мингдан ортиқ америкаликлар бир йилдан кейин бозорга олиб чиқиш режалаштирилган карталарни харид қилиш ниятини билдириб ўтди. American Express ҳурмати ва у ўрнатган алоқалар ҳам ўз натижасини кўрсатди. Масалан, компания билан ҳамкорлик ўрнатишга тайёрлигини нью йорклик ресторани Тутс Шор, Парижнинг Maxim’s ва Лондоннинг Dorchester Hotel сингари компаниялар билдириб ўтишган. Улар аввалроқ бошқа кредит карталари операторлари тақлифига унамаган.

1958 йил 1 октябрда American Express ўзининг бинафаша ранг карталарининг расман тақдимотини ўтказган ва Америка ва Европанинг хизмат кўрсатиши билан шуғулланувчи 17,5 мингта компаниялар уларни қўллашга рози эканлигини маълум қилган. Бироқ кейинги уч йилликда карта бизнесе компанияга фақат зиён келтирган. Гарчи 1959 йилда 1 миллион АҚШ долларлик фойдага эга бўлиши башорат қилинганди.

Биринчидан, American Express 750 минг нафар мижоздан тушиб келадиган тўловларнинг ўз вақтида қайд этилишини назорат қила олмади. Иккинчидан, ҳисоб-китобни автоматлаштиришга интилган компания ускуналарга катта микдордаги маблағни сарфлаб юборган, аммо вақт ўтиши билан бу мосламаларга эҳтиёж мавжуд бўлмагани аниқланган. Ральф Рид мавжуд муаммоларни ҳал этишга шошилавермасди. Шу боис 1961 йилда директорлар кенгаши уни компания президенти лавозимидан четлаштирди. Риднинг давомчиси 54 яшар Говард Кларк бўлди. У кескин ва таваккалчиликка асосланган ислохотларга қўл ура бошлади. Кларкнинг топшириғига кўра, компанияни инкироздан чиқариш вазифини ходимлардан бири Жорж Уотерсга юклатилди. У ўйлаб топган чора – картадан фойдаланганлик учун йиллик бож

тўлови 6 доллардан 8 долларга ошириш тақлифи Кларкдан бошқа барча кенгаш аъзоларининг пичинигига сабаб бўлди. Божнинг оширилиши бирорта мижозни чўчитмади ва шу билан компаниянинг даромади 30 фоизга ўсди.

Ундан-да каттароқ муаммо – мижозларнинг ўз ҳисобларини тўлдириш муддатини узайтириш билан боғлиқ бўлди. Gourmet ва American Hotel Associationларнинг тўлов қобилияти паст мижозларнинг кўпчилиги компания даромадига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Карталарнинг соҳиблари карталарни тўлдириш муддатини бир ойдан ошган тақдирда карталар ишдан тўхтатиб қўйиши ҳақида огоҳлантирилди.

Шундан сўнг American Express раҳбарияти чегирма ҳажмини 3 фоиздан 7 фоизга ошириб қўйди. Ўзгаришлар картанинг ўзига ҳам тегишли эди. Бинафаша рангли карта ўрнида яшил рангли карта ишлаб чиқарила бошлади. Бундан ташқари, жамоавий тамойилларнинг ўзгариши Ogilvy, Benson & Mather томонидан тайёрлаб берилган чиройли реклама кампаниясида ҳам ўз аксини топди. Шундан сўнг карталардан фойдаланиш одамларга обрў келтира бошлади.

1990 йиллар ўрталарида American Expressнинг 38 миллион карталари ёрдамида бутун дунё бўйича йилига тахминан 162 миллиард АҚШ долларилек хизмат ва маҳсулотларга тўлов қилинган. Йўл чеклари ҳам 26 миллиард АҚШ долларига сотилган.

2019 йилда компаниянинг молиявий кўрсаткичлари таҳлилчиларнинг башоратидан ҳам ошиб кетди. Тушум ҳажми тахмин қилинганидек 11,36 миллиард АҚШ доллари эмас, балки 11,635 миллиард АҚШ доллариини ташкил этди. Ҳар бир акцияга тўғри келадиган фойда ҳажми ҳам башорат қилинганидек 2,01 АҚШ доллари эмас, 2,03 АҚШ долларига етди.

III чорак якунига кўра, компания даромади бозор кутганига нисбатан ёмонроқ бўлди, гарчи тушум бўйича кўрсаткич башоратга нисбатан яхшироқ бўлган бўлса-да. Июль-сентябрь ойларидаги соф фойда 1,07 миллиард АҚШ доллари ёки ҳар бир акция учун 1,3 АҚШ долларига тенг бўлди. Тахминларга кўра, бу кўрсаткич 1,76 миллиард АҚШ доллари ёки ҳар бир акция учун 2,08 АҚШ долларига етиши керак эди. Жорий чоракда American Express сусдалар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси учун 665 миллион АҚШ долларини йўналтирди. Ундан аввалги йилда бу кўрсаткич 879 миллион АҚШ долларига тўғри келган эди.



“ТРАСТБАНК”
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
8 декабрь

Конституциямиз қабул қилинган кун
муносабати билан чин
дилдан муборакбод этади.

Халқимизга мустаҳкам соғлик, хонадонларига-файзу
барака тилайди.


Бош қомусимизнинг
28 йиллиги қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!



Япония банки мижозлар маълумотларини савдога қўйишни бошлайди

Mizuho Financial Group Inc. Японияда ўз мижозларининг маълумотларини сотувга қўйган илк банкдир, дея хабар берди Bloomberg агентлиги.

BANK OF JAPAN




Mizuho истеъмолчиларнинг одатлари ва бошқа маълумотларини юридик мижозларига сотишни режалаштирмоқда. Бу маълумотлар аноним хусусиятга ҳам эга бўлади, дейди банк раҳбарияти. Молиявий муассасалар мижозлар ҳақидаги маълумотларни пуллаш ҳақида бош қотирмоқда, сабаби бу ҳам уларнинг даромадини бир ёки икки фоизга бўлса-да қўлайтиради.

Японияда банклар эркинликка эга бўлмоқда. Хусусан, паст фоиз ставкалари ва султ талаб уларнинг кредитлаштириш соҳасидаги истиқболига таъсир кўрсатмоқда. Маълумотлар ва рақамли технологиялар Mizuho учун муҳим аҳамиятга эга.

Август ойида Россия банкларидаги ўн минглаб мижозларнинг маълумотлар тармоқда тарқалиб кетганди. Маълумотлар базасини махсус манбалар ёрдамида бепул юклаш имконияти мавжуд бўлди. Қатор банклар таҳдидни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган бўлса, қолганлари мижозларига карталарни қайта муомиллага чиқаришни бошлаб юборди.

Ботсванада 998 карат ўлчамга эга йирик олмос топилди. Ушбу қимматбаҳо тош шу пайтгача топилган энг катта олмослар рўйхатидан бешинчи ўринни эгаллаган.



Тарихда кузатилган энг катта олмослардан бири топилди

Ушбу топилма Канаданинг Lucara Diamond компанияси томонидан Карова шахтасидан топилган. Бу йирик олмос ҳам, қазилмада топилган энг биринчи катта тоши эмас эди. 2019 йилда Lucara Ботсванада 1758 карат вазнга эга "Нодир топилма" олмосини қазиб олганди ва бу тошни кейинроқ Louis Vuitton бренди остида маҳсулот ишлаб чиқарувчи компания сотиб олганди. Уша олмос тарихда топилган энг йирик олмослар рўйхатидаги иккинчи поғонадаги тош саналади.

2015 йилда Карова қонида 1109 карат вазнга эга олмос топилганди ва унга "Бизнинг ёруғлик" номи берилганди. Кейинроқ

уни 53 миллион АҚШ доллари сотишди. Уша йили мазкур қонда "Юлдузлар туркуми" номли 813 карат оғирликка эга олмос топилди ва уни 63 миллион АҚШ доллари пуллашган.

Қачонлардир қазиб топилган энг катта олмос 3106 карат оғирликка эга бўлган бўлиб, "Африка Юлдузи" номини олганди. Уни 1905 йилда Жанубий Африкадаги "Премьер" қонида топишган ва кейинроқ бир неча қисмга бўлиб сотишганди. Унинг энг катта бўлаклари ("Африканинг катта Юлдузи" ва "Африканинг иккинчи Юлдузи") Буюк Британия қироличасининг тождан ўрин эгаллаган.

Россия банклари вазият оғирлашиши бўйича огоҳлантирди

"Эксперт" рейтинг агентлиги банкларнинг ҳар ойлик ренкингни тузди. Унга кўра, бир қанча мезонлар ҳисобга олинган. Муаллифлар ўз хулосасида бозор иштирокчиларини асосий кўрсаткичлар пасайиб кетадиган қийин давр яқинлашиб келаётгани бўйича огоҳлантирган. Аниқ рўйхат агентлик сайтида эълон қилинган.



Муаллифлар банклар ишига оид муҳим кўрсаткичларни таҳлил қилган ва уларнинг аксариятида сўнгги вақтларда султлаши кузатилганини аниқлашган. Ялпи активларнинг ўртача рентабеллилик даражаси (кредит муассасасининг фойда ва активлари ўртасидаги мувозанати) сўнгги йилда бир фоиздан камлигича қолмоқда.

Бунинг асосий сабаби шубҳали кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотиш

лар учун захираларни қайта шакллантириш заруратига боғлиқ. Яна бир сабаби – ликвидлилик профицити билан боғлиқ бўлиб, банклар кредит ажратиш билан боғлиқ айрим қийинчиликлар юзага келаётганлиги боис бўш маблағларини Марказий банкнинг депозит ва корреспондентлик ҳисоб рақамларида сақлашга мажбур бўлмоқда. У ерда эса фоиз ставкалари жуда паст ёки айримларида умуман йўқ.

Ўртача соф фоиз маржаси (банкнинг фоиз даромадлари ва харажатлари ўртасида юзага келган ва активлар сифатида бўлинган фарқ) сўнгги тўрт чорақда беш фоизгача қисқарди. Барча тармоқларга катта ҳажмдаги кредит маблағлари ажратган ва тизимда муҳим аҳамиятга эга банкларда кўрсаткичлар бироз юқориликка қолмоқда.

Айни пайтда барча соҳаларнинг умумий кредит портфели (банкларро кредит ҳисобга олинмаганда) сентябрь ойида август ойига нисбатан 2,1 фоиз ортди. Аҳолига ажратилган кредитлар ҳажми 1,8 фоиз (348,4 миллиард рубль)га, бизнесга йўналтирилган кредитлар эса 1,7 фоиз (637 миллиард рубль)га ўсди.

Аксарият мезонлар бўйича ренкинда етакчи ўринни Сбербанк биринчи ўринни эгаллади. Активлар қадрсизланишига нисбатан энг барқарор капиталга эга кредит муассасаси "МБА-Москва" банки ҳисобланади. Унинг ҳажми 84,2 фоизга етди. Бу кўрсаткич активлар қадрсизланиши бўйича энг максимал даражага тенгдир.

ALIBABA бир кунда 56,4 миллиард АҚШ долларилик маҳсулот сотди

Глобал чегирмали куннинг дастлабки якунлари эълон қилинди. Alibaba Хитойда Бўйдоқлар қони нишонланиши муносабати билан эълон қилган дунёнинг энг йирик чегирмали онлайн савдосида 372,3 миллиард юанлик, яъни тахминан 56,4 миллиард АҚШ долларилик маҳсулотларни сотиб юборди.



Бўйдоқлар қонини хитойликлар "Қора жума"си сифатида қабул қилишмоқда. "1 ноябрнинг ярим кечасидаёқ маҳсулотлар айланмасининг умумий ҳажми 372,3 миллиард юанга етганди", – дейди Alibaba вакили.

Бундан ташқари, компания сониясига энг кўп буюртма қабул қилиш бўйича ҳам янги рекорд натижани қўлга киритди. Тигиз вақт давомида унинг сони ўтган йили 544 мингга бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 583 мингга етди.

Жорий йилда арзон сотиш лойиҳаси атрофида 800 миллион нафар харидорлар, 250

минг брендлар ва 5 миллион дўконлар бирлашди. Айни пайтда 13 та бренд маҳсулотлари савдоси 1 миллиард юанда ошиб кетди. 342 та бренддагилар эса, хусусан Apple, L'Oreal, Haier, EsteeLauder, Nike, Huawei, Midea, L'Oréal, Nike, Huawei, Midea, L'Oréal, Nike, Huawei, Midea, Lancome, Xiaomi va Adidasларнинг ҳар бири 100 миллион юанлик маҳсулотларини сота олган.

Чегирмали савдо фестивали ўн иккинчи бор ўтказилмоқда. Унинг шакли ўзгариб турибди, чегирма кунлари икки фазага бўлинган: 1 ноябрдан 3 ноябргача бири, 11 ноябрь қони иккинчиси ташкиллаштирилди.

ҲОЗҲОНДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК КЛАСТЕР ИШГА ТУШИРИЛДИ

Навоий вилоятида янги ташкил қилинган Ҳозгон шаҳрида ишлаб чиқариш қуввати бўйича Марказий Осийда ягона ҳисобланган "Мармаробод" деб номланувчи табиий тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш кластери иш бошлади.

Мамлакатимизда табиий пардозбоп тошларга бўлган талаб йил сайин ортиб бораётганлигини инобатга олиб ҳамда Ҳозгон тошларининг шухратини қайта тиклаш ва унинг бой захирасидан унумли фойдаланиш мақсадида Президентимиз 2019 йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи чоғида табиий тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича кластер ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Ўтган қисқа муддатда ушбу ташаббуснинг амалдаги ижроси рўёбга чиқарилди. Хусусан, "Ўзмиллийбанк"нинг "НБУ Газган инвест" махсус инвестиция компанияси ташкил этилиб, умумий ер майдони 37 гектарни эгаллаган кластер яратилди ва унинг таркибида умумий қиймати 52 млн. долларга тенг 14 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу кластер янги ташкил этилган Ҳозгон шаҳри учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, шаҳарнинг барпо этилиши айнан мана шу йирик мажмуанинг қурилишидан бошланди. Энг асосийси, бу кластердан асосий мурод ички бозорни шу кунгача республикамизга хориждан



валюта ҳисобига келтирилаётган импорт ўрнига арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлашдан иборат. Албатта, корхонанинг режалари катта бўлиб, келгусида халқаро бозорларга чиқиш ва маҳсулотлар экспортини ташкил қилишдан иборат.

"Мармаробод" МЧЖ корхонаси ушбу кластернинг асосий бўлини, яъни табиий тошларни қазиб олиб, ўзида қайта ишлаш билан бирга бошқа корхоналар-

ларни ҳам хомашё билан таъминловчи корхона ҳисобланади.

Корхона ҳудудида майдони 11 000 кв.м. бўлган замонавий ишлаб чиқариш биноси қуриб битказилди ҳамда хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Ушбу ускуналарнинг йиллик қуввати 70 минг куб тош қазиб олиш ва 800 минг кв. метр тошни қайта ишлашга мўлжалланган.

Ушбу завод ишга тушиши натижа-

сида дастлабки босқичда Ҳозгонлик маҳаллий ёшлар учун 400 нафар янги иш ўринлари яратилган бўлса, қолган лойиҳалар ишга тушганда иш ўринлари сони 800 га етказилади.

Бундан ташқари, кластер таркибида Ҳозгонлик маҳаллий тадбиркорлар учун 10 та ишлаб чиқариш бинолари ҳам барпо қилинди ҳамда корхона ҳудудида банк хизматлари маркази, сервис маркази, ўқув маркази, эҳтиёт қисмлар ва дастоҳлар сотиш дўкони ҳам ташкил қилинди.

Шунингдек, кластер тайёр маҳсулотларини сотиш мақсадида "Ўзмиллийбанк"нинг вилоят бўлимлари қошида "Табиий тошларни сотиш офислари" ташкил қилинмоқда. Пойтахтимизнинг Уриқзор даҳасида "Мармаробод" МЧЖ кўргазма заллари (show room) очилгани фикримиз тасдиғидир.

Марказий Осийда ягона ҳисобланган ушбу кластер маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки халқаро бозорларда ҳам ўз ўрнига эга бўлиши, корхона ривожланиши билан бевосита Ҳозгон шаҳрининг иқтисодий ва экспорт салоҳияти янада ортиши кутилмоқда.

"Ўзмиллийбанк" АЖ
Матбуот хизмати

ОБУНА - 2021

**ОБУНА ТУГАШИГА
41 КУН ҚОЛДИ**

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,

"Банк ахборотномаси" –
"Банковские вести"

газеталари келгуси йилдан
бошлаб, ягона бирлашган нашр
сифатида чоп этилади.

Бу барча ўқувчилар учун
ҳам моддий,
ҳам маънан манфаатли бўлади.

Сиз газетлага обуна
бўлиш истасангиз,

"Ўзбекистон почтаси" ва
"Матбуот тарқатувчи"

ташкilotининг ҳудудий
бўлимлари орқали
расмийлаштириш ёки
фақат таҳририят билан

шартнома тузган
қуйидаги ташкilotлар билан
обунани ташкил этишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти

АЖ "Ўзбекистон почтаси" ҳудудий филиалларида
АЖ "Матбуот тарқатувчи" ҳудудий филиалларида

Бухоро вилояти

"INFORM ROSSITA" МЧЖ – 71-237-08-70

Жиззах вилояти

"MATBUOT TONGI" МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

"INFORM ROSSITA" МЧЖ – 71-237-08-70

Қашқадарё вилояти

"INFORM ROSSITA" МЧЖ – 71-237-08-70

Сирдарё вилояти

"Сирдарё матбуот хизмати" – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

"SURXON MATBUOT NASHRLARI" МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

"KALEON INFORM" МЧЖ – (71-267-48-94)

"Тошкент матбуот медиа" – (97-156-22-77)

"INFORM ROSSITA" МЧЖ – 71-237-08-70

Самарқанд вилояти

"INFORM ROSSITA" МЧЖ – 71-237-08-70

"Тошкент жаҳон зиб" – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Андижон

вилояти

"INFORM ROSSITA" МЧЖ – 71-237-08-70

"Сайёр - 2017" МЧЖ – (99-990-61-01)

ОБУНА ИНДЕКСИ-102

Тел.: (998) 99 837 11 04 71 234 43 18 Факс: (998) 71-234-43-18.



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктаб АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги
Ўза, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Таҳририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета таҳририятининг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан
"Банк ахборотномаси"да эълон қилинган
материалларни кўчириб босишга ижозат берилди.
Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами
билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –
пайшанба кuni чиқади.
Буюртма № г 0580 А-1320
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп
этилди. Босишга рухсат этилди: 17.11.2020 й.,
1 2 3 4 5 6